



□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□.

Аллоҳ таоло: «**Ва Мендангина кўрқинглар**» (Бақара сураси, 40-оят); «**Шак-шубҳасиз Парвардигорингизнинг** (кофирларни азоб билан) **ушлаши қаттиқдир**» (Буруж сураси, 12-оят); «**Парвардигорингиз** (аҳли-эгалари) **золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши - азоби аламли ва қаттиқдир. Албатта бу қиссаларда охират азобидан кўрққан кишилар учун оят-ибратлар бордир. У кун барча одамлар тўпланадиган ва ҳозир бўлинадиган Кундир. Биз уни фақат санокли муддатгача таъхир қилиб - кечиктириб турамиз, холос. У кун келганида, бирон жон гапирмас, магар Унинг (Аллоҳнинг) изни билангина гапирур. Бас, у (Кунга ҳозир бўлганлар) орасида бахтсизи ҳам бўлур, бахтлиси ҳам. Бас, энди бадбахт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оҳу фарёд қилурлар**» (Худ сураси, 102-106-оятлар); «**Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур**» (Оли Имрон сураси, 28-оят); «**У Кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур**» (Абаса сураси, 34-37-оятлар); «**Эй инсонлар, Парвардигорингиздан кўрқингиз! Зеро, (қиёмат) соати (олдидаги) зилзила улуғ-дахшатли нарсадир. Уни кўрар кунингизда эмизаётган (оналар) эмизиб турган (боласини) унутар ва барча ҳомиладор (аёллар) ўз ҳомиласини ташлаб юборар; одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз, ҳолбуки улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир**» (Хаж сураси, 1-оят); «**Парвардигори (ҳузурда) туришдан (яъни, ўзининг Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришдан) кўрққан киши учун икки жаннат бордир**» (Раҳмон сураси, 46-оят); «**Улар бир-бирларига боқишиб, баста-жавоб қилишиб дейдилар: «Ҳақиқатан бизлар илгари (ҳаёти дунёда) аҳли оиламиз орасида (бўлган чоғимизда охиратда Аллоҳнинг азобига дучор бўлишдан) кўрқар эдик. Мана, Аллоҳ бизларга марҳамат кўргузди ва бизларни самумдан (яъни, баданларни илма-тешик қилиб юборадиган дўзахий шамолдан) сақлади. Дарҳақиқат бизлар илгари (ҳаёти дунёда) У зотга дуо-илтижо қилар эдик. Албатта Унинг Ўзигина марҳаматли, меҳрибондир**» (Ват-Тур сураси, 25-28-оятлар), деб айтган.

Ушбу бобга тегишли маълумот берувчи оятлар жуда кўпдир. Ундан мақсад баъзисига ишорадир. Ҳақиқатда унга ишора қилинди.

Аммо ҳадислар ҳам жуда кўп, биз ундан бир тарафини зикр қиламиз. Аллоҳ муваффақ қилсин!

406 - ... : ... : ... « ... » ... : ... [3208] « ... 2643].

1. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Содикул масдуқ\* Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга шундай дедилар: «Ҳар бирингизнинг ҳилқати онасининг қорнида қирқ кун жам қилиниб, кейин яна шунча вақт алақа\* бўлиб, сўнгра яна шунча вақт музға\* бўлади. Сўнг бир фаришта юборилади ва у унинг ичига руҳ пуфлайди. Ва тўрт калима: ризқи, ажали, амали ва бадбахт ёки бахтлилигини ёзиш амр қилинади. Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Зотга қасамки, бирингиз аҳли жаннатнинг амалини қилиб келиб, ўзи билан жаннат орасида бир зироъ\* қолганда ўша битик рўёбга чиқиб, дўзах аҳлининг амалини қилади-да, унга киради. Яна бирингиз дўзах аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан дўзах орасида бир зироъ қолганида ўша битик рўёбга чиқиб, аҳли жаннатнинг амалини қилади-да, унга киради».

*Муттафақун алайҳ.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



